

## ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАГИ КУРСАНТЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПОТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бузурханов Бунёд Закирович

Жамоат хавфсизлиги университети

**Калит сўзлар:** ҳарбий кадрлар, буюк аждодларимиз, Она Ватан ҳимояси, ҳарбий таълим муассасалари, курсантлар, методлар, компотентлик;

**Аннотация:** Ушбу мақоламида Олий ҳарбий билим юртларида курсантларниң касбий компотентлигини ошириш масаласи ҳақида сўз юритилган.

**Ключевые слова:** военнослужащие, наши великие предки, защита Отечества, военно-учебные заведение, курсанты, методы, компотентность;

**Аннотация:** В данной статье рассматривается вопрос повышения профессиональной компотентности курсантов высших военных учебных заведений;

**Key words:** military personnel, our great ancestors, defense of the Fatherland, military educational institutions, cadets, methods, competence;

**Annotation:** This article discusses the issue of increasing the professional competence of cadets of higher military educational institutions.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўз нутқида “-Армия фақат қурол-аслача билангина кудратли ҳисобланмайди, балки жонини аямайдиган ҳарбийлар-аскарлар, офицерлар, генераллар билан қудратлидир”[1]-деган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда профессионал армияни барпо этиш йўлида ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда етук мутахассис кадрлар тайёрланиб, улар соҳа бўйича олган билимларини амалиётга тадбиқ этмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий кадрлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси, Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Қарши Олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Maxsus факультети, Жамоат хавфсизлиги университети сингари бирқатор Олий ҳарбий билим юртларида тайёрланмоқда. [2]

Ушбу Олий ҳарбий билим юртларида мард, жасур кадрлар тайёрланиб, Она Ватанимиз ҳимояси йўлида хизмат қиласи. Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ш.Мирзиёв: “Ҳарбийлар халқимизнинг маънавий етук фарзандлари бўлиши керак.

Бунинг учун шахсий таркибнинг маънавий етуклигини, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини юксалтириш лозим. Сиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз ворислари эканлигимизни доим хис қилиб, шунга муносиб хизмат қилсангиз, ёшларимиз ватанпарварлик, Она юртга садоқат туйғуларини сизлардан ўрганади”-деган эди. [3]

Мамлакатимизда Олий ҳарбий билим юртларига курсантлар муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи, Ички ишлар вазирлиги қошидаги академик лицейларини, мактаблар, касб-хунар колледжларини тамомлаб ўқишга топширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4447-сон қарорига [4] асосан ҳарбий хизмат ўтайди. Номзодлар ўқишга қабул қилинган қундан бошлаб, ҳарбий ҳаёт билан танишади. Ҳарбийлик-фуқаролик ҳаётдан тубдан фарқ қиласди. Олий ҳарбий билим юртларига курсант бўлган ёшларни ўкув жараёнига мослаштириш, касбга йўналтириш офицер ва бошлиқлардан мъсулият талаб қиласди. Шу ўринда курсант ким? Курсант сўзининг маъноси қандай деган саволларига жавоб излаймиз.

1) Курсант-ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий таълим муассасасига қабул қилинган фуқаро ёки таълим муассаси талабаси; 2) Махсус таълим, ихтисослик берувчи курсда ўкувчи курс укувчиси; 3) Ҳарбий мактаб укувчиси;-дэя таъриф берилган. [5] Ўқишга қабул қилинган курсантларни ўкув-тарбия жараёнига мослаштиришда командир (бошлиқ) офицерлар ҳарбий психологлар билан ҳамкорликда ишларни ташкиллаштиради. Дастреб, командирлар сухбат ва кузатув методларини қўлланади. Адабиётларда метод сўзига кўйидагича таъриф берилган: “Метод (юнонча “methodos”) билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот)-воқеаликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни йўналтириш ва асослаш усули”. [6]

Методлар ичida сухбат методи-энг самарали усул ҳисобланади. Командир ва бошлиқлар сухбат орқали курсант ҳакида, унинг қизиқишилари ҳакида маълумотларга эга бўлади. Якка тартибда сухбатлар ўтказилиб, маълумотлар варакаларга қайд этилади. Курсантларнинг ҳарбий ҳаётга кўникиш жараёнини ўрганишда кузатув методи ҳам қўлланилади. Профессор Р.Махмудов Кузатувни тўғридан-тўғри кузатув, билвосита кузатув турларига ажратиб ўтган. [7] Биз эса, ушбу фикрни тўлиқтириб, кузатув методини якка тартибда кузатув, жамоавий кузатув усуллари дэя тўлиқтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Кузатув жараёнида курсантларнинг ўзини ушлаб тутиши, машғулотларни ўрганиши, ҳарбий жамоада ўзини қандай тутиши ўрганилди. Тадқиқот жараёнида “Темурбеклар мактаби”, Ички ишлар вазирлиги таассаруфидаги лицейни тамомлаганлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлари ўкув жараёнига қисқа муддатда мослашиб кетканлигининг гувоҳи бўлдик. Мактабларни, ўрта маҳсус касб-

хунар колледжларини тамомлаган ёшларда жисмоний зўриқиши, руҳий зўриқиши ҳолатлари кузатилди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсантларни ҳарбийлик касбига тайёрлаш, ўқув-тарбия жараёнига мослаштиришди компотентликнинг ўрни алоҳида. Шу ўринда компотентлик ўзи нима?-деган савол туғилади.

Компотентлик-бирон-бир ишни самарали қила олиш қобилияти, ишни бажаришда талабларни қондира олиш қобилияти, аниқ ишчи функцияларни бажаришда талабларни қондира олиш қобилияти. [8] Касбий компонентлик- мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олишидир-деб таъриф берилган. [8]

Курсантларнинг касбий компотентлигини оширишда қўйидагича вазифаларни белгилаб олиш зарурдир:

Курсантларни ҳарбий ҳаёт билан таништириш
Ҳарбий билимларни ўзлаштиришда қўмаклашиши
Камчиликлар ва муаммолар устида ишлаш
Жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёргарлигини ошириш
Ватанпарвалик руҳида тарбиялаш
Ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб чиқишга тарбиялаш

Командир ва бошлиқлар томонидан юқоридаги вазифалардан келиб чиқсан ҳолда курсантларда касбий компотентликга тайёрлаб бориш ижобий натижа беради.

Ҳулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, Олий ҳарбий таълим муассасаларидаги курсантларнинг касбий компотентлигини шакллантириш ва ошириш масалалари ўрганилиши зарур бўлган муаммолардан саналади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. <https://yuz.uz>
2. "Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан"., Ўзбекистон Фанлар академияси., Шарқ., 2012-й.,бет-241.,
3. [www.xalqso`zi.uz](http://www.xalqso`zi.uz). <https://xs.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4447-сон қарори 2019-й., 12-сентябрь., [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. <https://uz.m.wiktionary.org>
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси., Биринчи жилд, Т., 2000 йил
7. Махмудов Р.М. "Ҳарбий педагогика ва психология"., Т., 2019-йил бет-38.,
8. Муслимов Н.А., Уразова М.В., Ешпулатов Ш.Н, "Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компотентлигини шакллантириш технологияси".-Т. "Фан технологияси нашри".